

ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

мустақил тадқиқотчи;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим

3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти

Тўлибоев Хонтўрабек Илхомжон ўғли

Аннотация: Ушбу мақолада инсон ҳаётига қарши қаратилган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг олдини олиши бўйича махсус профилактика тизимини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Муаллифлар томонидан жиноятчиликнинг этиологияси И.Кант ва М.Фуконинг фалсафий қарашлари, шунингдек, Э.Локард ва Э.Дюркгеймнинг криминологик назариялари асосида таҳлил қилинган. Мақолада амалдаги қонунчилик, хусусан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳамда Жиноят-ижроия кодекси ўртасидаги номувофиқликлар кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот натижаси сифатида Жиноят-ижроия кодексининг 9 ва 87-моддаларига ҳаётга қарши жиноят содир этган маҳкумлар учун «мажбурий психологик коррекция» ва «тиббий-психиатрия мониторинги» тизимини жорий этиши бўйича таклифлар илгари сурилган. Шунингдек идоралараро ҳамкорлик ва рақамли технологиялардан фойдаланиши механизмлари асосланган.

Калит сўзлар: Ҳаётга қарши жиноятлар, махсус профилактика, агрессияни бошқариши, психологик коррекция, Жиноят-ижроия кодекси, пробацья назорати, идоралараро ҳамкорлик, Локард тамойили, рецидив жиноятчилик.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ЖИЗНИ

Аннотация: В данной статье исследуются научно-теоретические и практические аспекты совершенствования системы специальной профилактики тяжких и особо тяжких преступлений против жизни. Этиология преступности проанализирована автором на основе философских взглядов И. Канта и М. Фуко, а также криминологических теорий Э. Локарда и Э. Дюркгейма. В статье выявлены несоответствия в действующем законодательстве, в частности, между Законом «О профилактике правонарушений» и Уголовно-исполнительным кодексом. В качестве результата исследования выдвинуты предложения по внесению изменений в статьи 9 и 87 Уголовно-исполнительного кодекса, предусматривающие внедрение системы «обязательной психологической коррекции» и «медико-психиатрического мониторинга» для осужденных, совершивших преступления против жизни. Также

обоснованы механизмы межведомственного взаимодействия и использования цифровых технологий в рамках ситуационной профилактики.

Ключевые слова: Преступления против жизни, специальная профилактика, ситуационная профилактика, управление агрессией, психологическая коррекция, Уголовно-исполнительный кодекс, пробационный надзор, межведомственное сотрудничество, принцип Локарда, рецидивная преступность.

ORGANIZATIONAL AND LEGAL MECHANISMS FOR IMPROVING SPECIAL PREVENTION OF CRIMES AGAINST LIFE

Abstract: *This article investigates the scientific-theoretical and practical aspects of improving the special prevention system for grave and especially grave crimes against life. The author analyzes the etiology of criminality based on the philosophical views of I. Kant and M. Foucault, as well as the criminological theories of E. Locard and E. Durkheim. The article highlights discrepancies in current legislation, particularly between the Law "On Prevention of Offenses" and the Criminal-Executive Code. As a result of the research, proposals are put forward to amend Articles 9 and 87 of the Criminal-Executive Code to introduce a system of "mandatory psychological correction" and "medical-psychiatric monitoring" for convicts who have committed crimes against life. Furthermore, mechanisms for interagency cooperation and the use of digital technologies within the framework of situational prevention are substantiated.*

Keywords: *Crimes against life, special prevention, situational prevention, anger management, psychological correction, Criminal-Executive Code, probation supervision, interagency cooperation, Locard's principle, recidivism.*

Ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олиш жамият ва давлат учун энг устувор вазифадир, чунки бу инсоннинг асосий ҳуқуқини ҳимоялаш билан боғлиқ. Яшаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида ҳам акс этган бўлиб, унга кўра яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи ва унга суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Тарихга назар солсак 1776 йилда АҚШ Мустақиллик Декларациясида ва кейинчалик 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳам яшаш ҳуқуқи мустаҳкамланган эди.

Сўнгги йилларда содир этилаётган ҳаётга қарши жиноятларнинг айримларида зўравонликнинг ўсиб бориши, уларнинг келиб чиқиш омилларининг мураккаблашиши (айниқса, оилавий-маиший муҳитда ва ахборот технологиялари таъсирида) мазкур муаммоларни нафақат ҳуқуқий, балки чуқур фалсафий ва криминологик жиҳатдан ўрганишни тақозо этади, бу эса жазолаш тизими самарадорлигини ошириш билан бирга, илғор халқаро тажрибалар ва илмий-назарий хулосалар асосида махсус профилактика чораларини такомиллаштиришнинг асосий долзарблигини белгилайди. Инсон ҳаёти ҳуқуқ фани учун жинойий тажовузнинг объекти, фалсафа учун эса мутлақ кадрят бўлиб, ҳаётнинг мавжудлигига бўлган ёндашув жинойий-ҳуқуқий сиёсатга бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Тиббий ва ҳуқуқий жиҳатдан инсон ҳаёти биологик ўлим юз берганда тугайди. Тиббиёт фанлари доктори С.И. Индиаминовнинг таърифига кўра, биологик ўлим организм фаолиятининг қайта тикланмайдиган ҳолати бўлиб, ҳар қандай тирик мавжудот мавжудлигининг энг сўнгги босқичи маъносини англатади¹. Бугунги кунда, табиий ўлимдан фарқли ўлароқ, касаллик натижасида юз берадиган патологик (хасталик оқибатидаги) ўлим ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, биологик ўлим концепцияси билан бир қаторда бош мия ҳалокати ҳам тан олинади, чунки инсон организми бош мия томонидан бошқариладиган мураккаб тизимдир, шу сабабли, амалий нуқтаи назардан биологик ўлим ҳаётнинг тугаши сифатида кўрилиши лозим.

Инсон ҳаётининг бошланиш пайтини «туғруқ жараёнида чақалоқ танасининг бирор қисми она организмдан чиқиши» сифатида белгилаш жиноятларни тўғри квалификация қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хусусан, ушбу пайдан эътиборан ҳомилага қилинган тажовуз энди ноқонуний аборт эмас, балки шахсга қарши жиноят сифатида баҳоланади. Бу ўринда қилмишнинг ҳуқуқий баҳоси жиноят субъектига (ким томонидан содир этилганига) қараб фарқланади: Агар қотиллик туғруқ жараёнида ёки чақалоқ туғилиши ҳамон бевосита она томонидан содир этилса, қонунчилик аёлнинг ўша вақтдаги ўзига хос психо-физиологик ҳолатини инобатга олиб, қилмишни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 99-моддаси (*Онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши*) бўйича нисбатан енгилроқ жазоланувчи махсус таркиб сифатида малакалайди. Бироқ, агар худди шу вазиятда (туғруқ жараёнида) чақалоқнинг ҳаётига бошқа шахс (масалан, тиббиёт ходими, отаси ёки қариндошлари) қасд қилса, уларнинг ҳаракати умумий асосларда ЖКнинг 97-моддаси (*Қасддан одам ўлдириши*) билан, кўп ҳолларда эса ушбу модданинг 2-қисми «в» банди (*айбдорга аён бўлган оғир аҳволдаги шахсни қасддан ўлдириши*) бўйича ўта оғир жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим.

Шулардан келиб чиқиб, Жиноят кодекси ҳаётга қарши жиноятларда халқаро ва конституцион актлар билан тасдиқланган яшаш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилади, бунда ҳаёт жиноят объекти сифатида сифат ёки миқдор жиҳатидан баҳоланмайди, яъни барча одамларнинг ҳаёти тенг кадрлидир, жиноят қонуни ҳар бир шахснинг ҳаётини, унинг соғлиғи, ёши ёки ижтимоий аҳамиятидан қатъи назар, тенг равишда ҳимоя қилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги беморнинг розилиги билан бўлса ҳам, эвтаназияга йўл қўймайди.

Шунингдек, оила-турмуш доирасида ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олиш учун «Турмуш» махсус профилактик тадбирлари ўтказилади, жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан профилактик ишлар олиб борилади. Бу чоралар оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига зарурий муҳофаа ҳақидаги маълумотларни етказиш, ишонч телефонлари ва Интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш ва муҳокамаларни ташкил этиш билан қўллаб-қувватланади.

Ҳаётга қарши жиноятлар динамикасининг ҳудудлар кесимидаги суд статистика маълумотлари асосидаги таҳлили 2020–2024 йиллар давомида қасддан одам ўлдириш

¹ Индиаминов С.И. Суд тиббиёти. Врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари: Дарслик. – Тошкент, 2017. – 362 б. 28-б.

жиноятлари даражаси барқарор эмаслигини, айрим ҳудудларда кескин ўсиш ҳолатлари кузатилганини кўрсатади. Республикамиз бўйича 2020 йилда 377 та бундай жиноят қайд этилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 440 тагача ошган, 2022 йилда 422 тага камайган, 2023 йилда энг паст даража – 358 та, 2024 йилда яна ўсиш қайд этилган (402 та). Ҳудудлар бўйича таҳлил шуни кўрсатадики, Тошкент вилояти (2024 йилда 57 та) ва Тошкент шаҳри (2024 йилда 55 та) жиноятлар сони бўйича доимий равишда энг юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам 2024 йилда юқори кўрсаткичлар (ҳар бирида 45 тадан) қайд этилган.

Мазкур статистик кўрсаткичлар ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олишга қаратилган махсус профилактика чораларини, айниқса аҳоли зич жойлашган ва криминоген вазият юқори бўлган Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида (кўп йиллик ўртача кўрсаткичлар асосида) кучайтириш зарурлигини тасдиқлайди. Умумий жиноий динамикадаги ўсиш махсус профилактика тизимининг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини шошилинч такомиллаштиришни тақозо этади. Ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олиш жиноятчиликка қарши курашишнинг энг муҳим йўналиши бўлиб, бу тоифадаги жиноятлар инсоннинг ҳаётга бўлган олий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади.

Ҳаётга қарши жиноятлар, жумладан, суиқасд ёки ўлдириш таҳдиди қурбони бўлган жабрланувчилар қонунчиликда кафолатланган кенг қўламли ҳуқуқларга эга бўлиб, улар ўзларига нисбатан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар юзасидан ваколатли органлар ёки судга мурожаат қилиш билан бирга, махсус реабилитация марказлари ва ишонч телефонлари орқали бепул ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ҳамда тиббий ёрдам олиш имкониятига эгадирлар. Шунингдек, жабрланувчилар ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларидан ҳимоя ордери беришни талаб қилиш ва унинг шартлари бузилган тақдирда зудлик билан хабар бериш, қолаверса, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилишни суд тартибида талаб қилиш ваколатига эга.

Шу билан бирга, ҳаётга қарши жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг ҳам жиноят жараёнида ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлиқ ҳуқуқи борлиги эътиборга олиниши лозим.

Ҳар бир шахс қотиллик ёки унинг таҳдиди каби зўравонлик жиноятларига дуч келмаслик, жиноятчи ёки жабрланувчига айланмаслик учун юксак профилактик маданиятга риоя қилиши шарт. Бу, биринчи навбатда, ҳуқуқий ва умуминсоний маданиятни ошириш ва ўз шахсиятини ривожлантириш, шунингдек, жамиятдаги зўравонлик ҳаракатларига нисбатан мутлақо тоқатсизликни намоён этиш билан боғлиқ. Шахсий профилактиканинг муҳим шартли спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилишдан қатъий тийилиш ва жиноят содир этиш учун шароит яратиши мумкин бўлган ноижтимоий хатти-ҳаракатларга аралашиб қолишдан сақланишдир. Зўравонлик ҳолатлари юзага келганда, шахснинг ўзбошимчалик билан ҳукм чиқаришга ёки ўч олишга йўл қўймасдан, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилиши, шунингдек, ҳуқуқий

ҳимоянинг барча қонуний усуллари (жумладан, адвокат ёрдами) фойдаланиш ва ёрдамга муҳтож бошқа шахсларга ҳам кўмак кўрсатиши талаб этилади. Ушбу оддий қоидаларга риоя қилиш нафақат ҳаётга қарши жиноятлар сонини камайтиришга, балки ҳар бир фуқаронинг жиноят қурбони бўлиш хавфини пасайтиришга ҳам хизмат қилади.

Жиноятнинг моҳиятига криминологик ёндашувнинг асоси Криминалистика асосчиларидан Эдмон Локарднинг алмашиш тамойили (Locard's Exchange Principle) ҳисобланади. Ушбу тамойилнинг моҳияти шундаки, ҳар бир алоқа (контакт) ўзидан из қолдиради, яъни жиноятчи жиноят содир этиш жойидан ўзига хос микроизларни (масалан, толалар, ДНК, тупроқ зарралари) олиб кетади ва ўзидан шу каби изларни қолдиради. Бу тамойилнинг ҳаётга қарши жиноятларни ўрганишдаги аҳамияти шундаки, у жиноятларнинг объектив ва илмий исботини таъминлашга хизмат қилиб, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини кучайтиради ва натижада жиноятчиликнинг олдини олишда адолатли жазони тайинлашга асос бўлади.

Француз социологи Эмиль Дюркгейм жиноятчиликни жамиятдаги аномия (нормаларнинг йўқолиши) ҳолати билан боғлайди. Бунинг кўрсаткичи шундаки, ҳаётга қарши жиноятларнинг кўпайиши жамиятдаги ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий чекловларнинг кучсизланганини кўрсатади. Бундай ҳолатнинг профилактикага таъсири шундан иборатки, махсус профилактика чораларини фақат ҳуқуқий чоралар билан чекламасдан, балки ижтимоий интеграцияни кучайтириш ҳамда оила ва маҳалла институтларини мустаҳкамлаш орқали амалга оширишни тақозо этади.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг моҳиятини чуқур англаш ва махсус профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун жиноятларнинг криминологик тавсифини аниқлаш муҳим бўлиб, бу тавсиф ижтимоий-иктисодий омиллар (ишсизлик, қашшоқлик, умидсизлик), шахсга доир омиллар (агрессияга мойиллик, психопатия, диссоциал хусусиятлар, психоактив моддаларга қарамлик) ва вазиятли омиллар (кескин можаролар, тортишувлар) нинг ўзаро боғлиқлиги натижасида юзага келади, аксарият жиноятлар айнан маиший-оилавий муносабатлар замирида ва зўравонлик муҳитида содир бўлиши тасдиқланган.

Ҳаётга қарши жиноят содир этган шахснинг криминологик профили ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу жиноятларни кўп ҳолларда 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган, доимий иш жойига эга бўлмаган эркаклар содир этади, уларнинг рецидив даражаси юқори бўлиб, кўпчилиги илгари зўравонлик хусусиятига эга жиноятлар учун судланган; мотивация жиҳатдан энг кўп тарқалган сабаблар шахсий адоват, қасос, рашк ва аффект ҳолатидаги можаролар ҳисобланади, бундай шахсларнинг ижтимоий алоқалари узилган ёки салбий муҳитда шаклланган бўлади. Фалсафий-криминологик нуқтаи назардан, бу жиноятчиликнинг асосий моҳияти Кант этикасидаги инсонни мақсад сифатида кўриш принципига зид равишда, жабрланувчини ўз шахсий муаммоларини ҳал қилиш учун восита сифатида қабул қилишда намоён бўлади, яъни улар Дюркгейм таъкидлаганидек, аномия ҳолатида жамиятнинг энг асосий нормаси — ҳаётнинг қадрилигини йўқотган бўладилар. Юқоридаги криминологик тавсифдан келиб чиқиб, ҳаётга қарши жиноятларнинг махсус профилактикаси, биринчи навбатда, алкоголизм, гиёҳвандликка муккасидан кетган шахслар, оилавий-маиший зўравонлик

ҳолатларида рўйхатда турганлар ҳамда зўравонлик жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан ва ижтимоий мослашуви қийин бўлган шахсларга қаратилиши керак, чунки ҳуқуқий давлатда жазолаш тизими нафақат содир этилган жиноятга муносиб чора бўлиши, балки энг муҳими, махсус профилактика вазифасини бажариши, яъни жиноятчининг келажакда янги жиноятлар содир этишининг олдини олиши керак.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг моҳияти фалсафий ва криминологик ўзаро кесишувда ётади, агар фалсафа инсон ҳаётини мутлақ қадрият сифатида улуғласа, криминология бу қадриятга тажовузнинг сабабларини ўрганади. Ҳаётга қарши жиноятлар ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий омиллар (ишсизлик, қашшоқлик), шахсга доир омиллар (агрессия, психопатия, алкоголизм, гиёҳвандлик) ва вазиятли омиллар (кескин можаролар) натижасида юзага келади.

Амалдаги жазо сиёсатини криминологик баҳолаш мунозарали бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳаётга қарши жиноятлар (97-модда – қотиллик) учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш каби энг оғир чоралар белгиланган. Жазонинг қатъийлиги умумий превенция нуқтаи назаридан муҳим бўлса-да, криминологик амалиёт фақат оғирлик эмас, балки жазонинг муқаррарлиги ва адолатлилиги жиноятчилик даражасини камайтиришини исботлаган. Махсус превенциянинг самарадорлиги эса изоляция тизими маҳбусни тузатиш ўрнига, унинг ижтимоий алоқаларини узиб, чиқиб келгандан кейинги қайта ижтимоийлашувини қийинлаштириши билан жиддий танқид остига олинади, агар жазони ижро этиш муассасаларида тузатиш ва касбга ўқитиш дастурлари самарали бўлмаса, жазо фақат вақтинчалик изоляция функциясини бажаради. Шу сабабли, ҳуқуқий давлатда жазолаш тизими фақат муносиб чора бўлишдан ташқари, асосий эътиборни алкоголизм, гиёҳвандликка муккасидан кетган, оилавий зўравонлик ҳолатида турган ва ижтимоий мослашуви қийин бўлган шахсларга қаратилган махсус профилактикани амалга оширишга йўналтирилиши керак.

Махсус профилактика нуқтаи назаридан, ҳаётга қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тизими қўйидаги жиҳатлар орқали такомиллаштирилиши лозим: зўравонлик ва агрессияга мойиллик юқори бўлган маҳбуслар учун мажбурий психологик ва ҳулқ-атворни коррекция қилиш дастурларини жорий этиш, бунда жиноятчининг ички мотивлари ва ҳис-туйғуларини бошқариш қобилятини ривожлантиришга қаратиш жуда муҳимдир. Шунингдек, ижтимоий реабилитацияга алоҳида эътибор қаратиш зарур, яъни жиноят содир этган шахснинг жазони ўташ даврида ижтимоий алоқаларини бутунлай узмаслик, оиласи билан алоқани сақлашга ёрдам бериш, уларни жамиятга қайтаришга тайёрлаш лозим. Бундан ташқари, Пробация институтининг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки оғир жиноятлар учун жазони ўтаб чиқаётган ёки шартли озод қилинган шахсларнинг махсус назоратини ва уларга психологик, ижтимоий ҳамда бандлик бўйича ёрдам кўрсатилишини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Жазо тизими ҳаётга қарши жиноятлар учун қатъий бўлиши керак, аммо бу қатъийлик махсус превенция мақсадида, маҳбусни янги жиноятлардан огоҳлантириш ва унинг ижтимоийлашувини таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим; жазонинг бундай тушунилиши, инсоннинг ҳаётини қадриятини

тиклашга қаратилган этик жазолаш тизимига ўтишни англатади. Ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олишдаги муваффақият фақат жазонинг қатъийлигига эмас, балки махсус профилактика чораларининг мақсадли ва узлуксиз амалга оширилишига боғлиқдир, бу эса жиноий хавфлилик даражаси юқори бўлган, аввал жиноят содир этган ёки жиноий хулқ-атворга мойил бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган якка тартибдаги таъсир чоралари тизими ҳисобланади. Криминологик тавсифда аниқланган хавф гуруҳлари билан ишлашда шахсга йўналтирилган чора-тадбирлар етакчи ўрин тутди, шу сабабли жиноятчи шахсини психологик коррекция қилиш махсус профилактиканинг марказида туриши керак. Бунинг учун жиноят содир этган ёки содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг агрессив хулқ-атвори, рашк, қасос каби ҳиссиётларини тўғрилаш мақсадида, жазони ижро этиш муассасаларида ва пробация назорати остидаги шахслар учун агрессияни бошқариш, можароларни зўравонликсиз ҳал қилиш ва эмоционал интеллектни ривожлантириш бўйича мажбурий психологик тренинглари жорий этиш талаб қилинади. Бундан ташқари, руҳий соғлиқ билан боғлиқ жиддий муаммоларга эга шахсларни махсус диспансер назоратига олиш ва уларни мажбурий тиббий-психологик ёрдам билан таъминлаш орқали психик соғлиқни назорат қилиш чораларини кучайтириш зарур.

Жазонинг асосий мақсади маҳбусни янги жиноятлардан огоҳлантириш ва унинг ижтимоийлашувини таъминлаш орқали амалга оширилиши лозим, чунки узок муддатли изоляция тизими кўпинча маҳбусни тузатиш ўрнига, унинг ижтимоий алоқаларини узиб, чиқиб келгандан кейинги қайта ижтимоийлашувини қийинлаштиради. Ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олишдаги муваффақият махсус профилактика чораларининг мақсадли ва узлуксиз амалга оширилишига боғлиқдир, бу эса жиноий хавфлилик даражаси юқори бўлган (алкоголизм/тиёхвандликка муккасидан кетган, оилавий зўравонлик ҳолатида турган, рецидивга мойил) шахсларга нисбатан қўлланиладиган якка тартибдаги таъсир чоралари тизими ҳисобланади.

Пробация хизматининг профилактик потенциалини кучайтириш энг муҳим йўналиш бўлиб, ҳаётга қарши жиноятлар учун жазони ўтаб чиққан ёки шартли озод қилинган шахсларни жамиятга муваффақиятли қайтаришда Пробация назорати остидаги шахсларни касбга йўналтиришда ва ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатиш муҳим, шу билан бирга, хавф даражаси юқори бўлган шахсларнинг ҳаётидаги криминоген хавфларни (алкоголизм, нотинч муҳитга қайтиш) доимий мониторинг қилиш ва ижтимоий назоратни кучайтириш талаб этилади.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг омиллари кўп тармоқли бўлганлиги сабабли, фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг чоралари етарли эмас, шу боис идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, прокуратура, соғлиқни сақлаш (психоневрологик диспансерлар), бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда маҳалла институтлари ўртасида хавф гуруҳига кирувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни алмашишнинг ягона механизмини яратишни талаб этади. Айнан шу интеграциялашган ёндашув Жиноят кодексининг 97-моддасидаги оилавий-маиший муносабатлар замиридаги оддий қасддан одам ўлдириш ҳолатларининг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки ҳаётга қарши жиноятлар кўпинча оилавий муҳитда содир

бўлганини инобатга олиб, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари томонидан доимий нотинч оилаларга алоҳида ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя ордерлари тизимини самарали қўллаш лозим.

Бундан ташқари, жинойтчиликнинг рақамли маконга кўчиши муносабати билан кибержинойтлар муаммоси кескинлашмоқда, чунки Интернет тармоғининг ўзига хос хусусиятлари туфайли, "суицидал" кибержинойтлар содир этилганда жиноий ният нафақат аниқ бир шахсга, балки ноаниқ доирадаги шахсларга қаратилган бўлиши мумкин, бундай қилмишлар оммавий усулда содир этилади ва жиноят қурбонлари асосан вояга етмаганлар бўлади. "Интернет" жиноятни содир этиш усули ҳисобланади, чунки ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш жиноий қилмишни амалга оширишни енгиллаштиради, жиноятчилар эса ўз ҳаракатларини аноним деб ҳисоблайдилар, бу эса Ўзбекистон ЖКнинг 103-моддаси (Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) ва 103¹-моддаси (Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш) нинг "телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса" оғирлаштирувчи квалификациясини янада долзарблаштиради.

Шунингдек, кибержинойтлар квалификациясидаги муҳим полемик муаммолардан бири ахборот тармоқларида ўзини ўлдиришгача олиб бориш ёки суицидга чақириш эмас, балки бошқа одамларни ўлдиришга оғдиришга қаратилган маълумотларнинг тарқатилишидир. Агар шахснинг қасди қотилликка шериклар қидириш ёки бошқа шахсни ундаш ёки таҳдид орқали қотиллик (ЖК 97-модда) содир этишга оғдиришга қаратилган бўлса, унинг ҳаракатлари тегишли равишда қотилликка тайёргарлик ёки қотилликка далолат қилиш сифатида квалификация қилиниши керак.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ва муҳитга аниқ йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни ўз ичига олади, ушбу жараённинг ҳуқуқий пойдевори сифатида 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ички ишлар органлари зиммасига криминоген вазиятни ўрганиш ва жиноят сабабларини бартараф этиш вазифасини юклайди, хусусан, Қонуннинг 24-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси доирасида умумий чоралардан фарқли ўлароқ, куч ва воситаларни аниқ мақсадли гуруҳларга йўналтириш механизми жорий этилган бўлиб, бу механизм Қонуннинг 25-моддасига асосан илгари судланган шахслар, 26-моддасига кўра алкогольни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи шахслар ҳамда 27-моддасига мувофиқ назоратсиз қолган вояга етмаганлар билан профилактик ишларни амалга оширишни қатъий белгиланган, шу билан бирга, ушбу махсус профилактика тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йил 27 октябрдаги "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги қонунлар нормаларига таяниб, алкоголь ва гиёҳвандликка қарам шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш ва соғлом турмуш тарзига қайтариш

орқали ҳаётга қарши жиноятларнинг асл омилларини бартараф этишга қаратилган яхлит давлат сиёсати амалга ошириш белгиланган.

Жиноятчиликка қарши курашиш тизимини мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 120-сонли буйруғи қабул қилинган бўлиб, ушбу буйруқда ҳаётга қарши жиноятлар, айниқса фош этилмаганларини мунтазам таҳлил қилишни, уларнинг сабабларини ўрганишни ва профилактика инспекторлари фаолиятини назорат қилишни қатъий белгиланган.

Профилактик чораларнинг самарадорлигини ошириш учун махсус профилактика доирасида жиноят содир этилишига олиб келувчи шарт-шароитларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Профилактика инспекторларининг вазифалари Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа махсус кодекслар талаблари асосида қуйидагича белгиланади: биринчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддасига асосан, инспектор терговчи топшириғи билан жиноятга олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради; иккинчидан, ЖПКнинг 297-моддаси талаблари асосида терговчи ёки прокурорнинг жиноят сабабларини бартараф этиш ҳақидаги тақдимномаси бажарилишини назорат қилади ва лозим чораларни кўрмаган мансабдор шахсларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 196-моддасига мувофиқ жавобгарликка тортади; учинчидан, ҳаётга қарши жиноят вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра, ота-оналар, таълим муассасалари ва бошқа жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда махсус профилактик чора-тадбирларни амалга оширади.

2023 йилда содир этилган 363 та қотиллик жиноятларининг 38,8 фоизи оила-турмуш муносабатларидаги низолар сабабли келиб чиққанлиги, ҳаётга қарши жиноятларнинг криминоген омиллар тизимида маиший можаролар етакчи ўринни эгаллашини кўрсатади. Бу ҳолат жиноятларнинг махсус профилактикасини оила институти, шахснинг хулқ-атвор хусусиятлари ва ижтимоий-психологик вазиятлар билан боғлиқ ҳолда такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Агрессив хулқ-атворни коррекция қилиш дастурлари амалиётга самарали татбиқ этилмагани бир қатор жиноятлар мисолида яққол намоён бўлади. Жумладан: *Поп туманида 2024 йил 9 август куни содир этилган жиноятда 22 ёшли шахс маиший низо оқибатида яқин қариндошларини ўта шафқатсизлик билан ўлдирган. Жиноятнинг хусусияти ва жавобгар шахснинг ёш психотиби ҳуқуқбузарнинг эмоционал беқарорлиги, агрессияни назорат қила олмаслиги каби омилларнинг мавжудлигини кўрсатади. Шу боис жиноят-ижроия тизимидаги маҳқумларни психологик коррекция дастурлари орқали мажбурий равишда реабилитация қилиш механизми амалда кучайтирилиши лозим. Самарқанд вилоятида 2024 йил 17 январ куни руҳий касаллиги бор шахс томонидан содир этилган қотиллик эса, хавfli шахсларнинг тиббий-психиатрия назоратидаги камчиликлар оғир жиноятга олиб келиши мумкинлигини*

тасдиқлайди. Шу муносабат билан тажовузкорликка мойил шахслар устидан доимий мониторинг, мажбурий даволаш ва профилактик муқобил чоралар ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Оилавий-маиший низолар заминада содир этиладиган қотилликлар улушининг юқорилиги идоралараро ҳамкорлик ва хавфни баҳолаш тизимини жорий этиш зарурлигини асослайди. Масалан:

— *Кармана туманида 2024 йил 29 ноябр кунги қотилликда* оилавий низоларнинг профилактик ҳисобда турмагани оғир оқибатга сабаб бўлган.
— *Ғузор туманида 2025 йил 25 майда қайд этилган ҳолатда* мол-мулкка нисбатан ғаразли ният оила ичидаги криминоген вазият билан уйғунлашиб, жиноят мотивини шакллантирган.

Бундай ҳолатлар ягона криминологик маълумотлар базаси, «Оилавий хавфни баҳолаш» механизмларини амалиётга жорий этиш ўз вақтида бўлажак таҳдидларни идентификация қилиш имконини бериши мумкинлигини кўрсатади.

Бухоро туманида 2024 йил 22 октябрда содир этилган қотиллик эса шахсий ғараз ва иқтисодий муаммолар таъсирида агрессиянинг кескин намоён бўлишини ифодалайди. Бу эса махсус профилактика доирасида ижтимоий-иқтисодий ёрдам тизимини кучайтириш ва конфликтни барвақт аниқлаш бўйича маҳаллий профилактик субъектлар фаоллигини оширишни талаб қилади.

Ўтказилган криминологик-фалсафий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳаётга қарши жиноятларнинг махсус профилактикасини такомиллаштиришда назарий асосларнинг ўрни бекиёс бўлиб, чуқур ахлоқий-ижтимоий чоралар заруратини илмий жиҳатдан асослайди. Жиноят омилларининг доминантлиги таҳлиliga кўра, ҳаётга қарши жиноятларнинг асосий этиологиясида маиший-оилавий нотинчлик, психоактив моддаларга қарамлик ва агрессияни бошқара олмаслик каби шахсга доир омиллар етакчилик қилади, бу эса замонавий профилактика тизимининг умумий ёндашувдан кўра кўпроқ индивидуал-психологик коррекцияга йўналтирилишини қатъий тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, жазо тизимидаги ислохотлар ҳаётга қарши жиноятлар учун қатъий жазо муқаррарлигини сақлаган ҳолда, махсус превенция самарадорлигини ошириш мақсадида маҳбусларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларнинг агрессив хулқ-атворини коррекция қилишга устуворлик бериши лозим, акс ҳолда, куруқ изоляция фақат вақтинчалик назорат вазифасини ўтаб, жиноятчининг жамиятга қайтишида янги хавфларни юзага келтириши мумкин.

Ҳаётга қарши оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларнинг жазони тўлиқ ўтаб бўлганидан сўнг ёки муддатидан илгари шартли озод қилинганидан кейин яна жиноятга қўл уриши (рецидив) муаммоси шуни кўрсатадики, амалдаги қонунчиликда жазолаш механизми ва профилактика институти ўртасида узилиш мавжуд, хусусан, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси “Махсус профилактика”ни ҳуқуқбузарлик сабабларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида белгилайди ва 25-моддаси “Илгари судланган шахслар ўртасида”ги профилактикани назарда тутаяди, бироқ ушбу нормаларнинг ижроси маҳкум жазони ўтаётган даврдаги Жиноят-ижроия кодекси

нормалари билан етарлича мувофиқлаштирилмаган. Илмий-ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасидаги мақсадга (илгари судланган шахснинг қайта жиноят содир этишини олдини олиш) эришиш учун, шахс ҳали жазони ижро этиш муассасасида бўлган вақтидаёқ унинг жиноий хулқ-атвори (агрессия, ғазаб) коррекция қилиниши шарт, ақс ҳолда махсус профилактика фақат назорат қилиш билан чекланиб қолади.

Шу сабабли, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 24- ва 25-моддаларидаги профилактик таъсир кўрсатиш тамойилини тўлақонли амалга ошириш мақсадида, жиноят-ижроия кодексининг 9-моддасига (маҳкумларнинг хуқуқлари) жиддий ўзгартириш киритиш таклиф этилади: унга кўра, психологик ёрдам олишдаги ихтиёрийлик тамойили, ҳаётга қарши оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этган маҳкумлар учун мажбурий психологик коррекция тартиби билан алмаштирилиши лозим, чунки бусиз профилактика қонунидаги сабабларни бартараф этиш (24-модда) талаби бажарилмай қолади. Шунингдек, жазони ўтаб чиққан ёки муддатидан илгари озод қилиниб Пробация назоратига олинган шахсларда қайта жиноят содир этиш хавфини камайтириш учун, Жиноят-ижроия кодексининг 87-моддаси (Тиббий-санитария таъминоти) «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг руҳига мослаштирилиб, унга тажовузкорликка мойил маҳкумлар устидан мажбурий тиббий-психиатрия мониторинги нормаси киритилиши зарур. Бу ёндашув, бир томондан, оғир жиноятчиларнинг жазо муддати давомида (ёки пробация даврида) руҳий-эмоционал жиҳатдан соғломлаштирилишини таъминласа, иккинчи томондан, улар жамиятга қайтганида профилактика инспектори ёки пробация хизмати учун «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддаси доирасидаги ижтимоий мослаштириш ишларини самарали ташкил этишга илмий ва амалий замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.12.2025й)

2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.12.2025й)

3. 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.12.2025й).

4. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.

5. Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 127-133.

6. Атажанов Ў. М. и др. МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 119-126.

7. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.

8. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.

9. Атажанов Ў. М. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 163-171.

10. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 191-197.

11. Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.

12. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

13. Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.

14. Атажанов, У. М. (2025). ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЗАИМОСВЯЗИ ЦИФРОВОЙ КРИМИНАЛИСТИКИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПО ОРГАНИЗАЦИИ И КООРДИНАЦИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 8(5), 127-135.

15. Атажанов, Ў. М. (2025). ФУҚАРОЛИК ВА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 4(39), 333-340.

16. Muratbaevna, Kaipbaeva Zaxira. "PROFILAKTIKA INSPEKTORLARI TOMONIDAN O 'G 'IRLIK JINOYATLARINING UMUMIY PROFILAKTIKASINI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY MASALALARI." *Научный Импульс* 4.39 (2025): 458-466.